



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 28 июль, № 152 (9323)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯНГИ ТОШКЕНТ ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ШАҲРИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шаҳрида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекциясида бўлди. Бу ерда шаҳарнинг кенг қўламли макети ва рақамли харитаси асосида қурилишларнинг умумий бориши, йирик объектларнинг ўзаро жойлашуви ҳамда навбатдаги бунёдкорлик режалари ҳақида ахборот берилди.

Транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини қурилишлар билан уйғун ривожлантириш, яшил ҳудудлар ва жамоат маконларини ўзаро боғлаш, Янги Тошкентни пойтахтнинг амалдаги ҳудуди билан узвий боғлаш масалалари кўриб чиқилди. Барча лойиҳаларни яхлит шаҳарсозлик концепцияси асосида, юқори сифат ва меъморий уйғунликни таъминлаган ҳолда амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Низоий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети Янги Тошкентда барпо этилаётган кампусини кўздан кечирди.

Мажмуа Янги Тошкент қурилишининг биринчи босқичи доирасида бунёд этил-

моқда. Айни пайтда ректорат ва айрим факультетлар биноларида якуний қурилиш ва пардозлаш ишлари олиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбари биноларнинг ички маконлари, ўқув ва маъмурий хоналарнинг жойлашуви, муҳандислик тармоқлари ҳамда ҳудудни ободонлаштириш ишлари билан танишди. Мутасаддилар қурилишнинг бориши, биноларни жиҳозлаш ва кампусни фойдаланишга тайёрлаш чоралари ҳақида ахборот берди.

Янги кампус таркибида ўқув бинолари, илмий лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, электрон кутубхона, талабалар тураржойлари, спорт ва маданият иншоотлари бўлади. Бу ерда таълим, илмий тадқиқот ва талабалар ҳаётини бир маконда уйғунлаштирган яхлит муҳит яратилади.

Университетда халқаро таълим стандартларини босқичма-босқич жорий этиш, бошқарув тизимини «Янги Ўзбекистон» университети тажрибаси асосида трансформация қилиш режалаштирилган. Ўқув

жараёнларини замонавий рақамли платформалар орқали бошқариш кўзда тутилган.

Кейин давлатимиз раҳбари Янги Тошкентда барпо этилаётган Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносидagi қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Мазкур объект янги шаҳарнинг асосий илм-фан ва маърифат масканларидан бири сифатида бунёд этилмоқда. Янги Тошкент қурилиши, аввало, таълим ва маърифат объектларидан бошланган бўлиб, Миллий кутубхона ушбу концепцияда муҳим ўрин тутди.

Айни пайтда мажмуада қурилиш ва пардозлаш ишларининг 90 фоизи бажарилган. Кутубхонани жорий йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Умумий майдони 30 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган тўрт қаватли бино бир вақтнинг ўзида 1 минг 420 нафар китобхонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Унинг меъморий ечимида миллий анъаналар ва замонавий услуб уйғунлаштирилган.



2

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Таваллуд куним муносабати билан чин дилдан табриклаб, самимий қутловлар ва эзгу тилақларини йўлаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакилларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, нуронийлар, ёшлар, хотин-қизлар ва тадбиркорларга, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Менинг шайнимга билдирилган бу табрик ва тилақларни, аввало, кўп миллатли халқимиз ва давлатимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси, Янги Ўзбекистоннинг дунё миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузининг эътирофи сифатида қабул қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, бағрикенг ва олийжаноб халқимизга ана бир бор чин дилдан ўзимнинг чексиз меҳрим ва ҳурматимни билдираман.

Жонаҳон Ватанимизда эркин ва фаровон, обод ҳаёт қуришга қаратилган ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб, уларда фаол иштирок этаётган кўп миллатли халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан олдимизга қўйган юксак ва шарафли мақсадларга албатта эришамиз деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Биз ва жаҳон

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон ташаббуси билан яна бир тарихий резолюция қабул қилинди.



Шу йил 24 июль куни жаҳон сиёсати ва халқаро дипломатия тарихида Янги Ўзбекистоннинг мавқеини янги, юқори босқичга олиб чиққан тарихий воқеа юз берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияни бир овоздан қабул қилди.

Ушбу воқеа нафақат Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий муваффақияти, балки дунё миқёсида ижтимоий адолат ва барқарор ривожланишни таъминлашда парламент институтининг ролини янгича талқин этувчи глобал бурилиш нуқтаси бўлди. Резолюциянинг қабул қилиниши ва унга дунёнинг барча китъаларидан 61 та давлат ҳаммуаллиф бўлгани — Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ислохотлар фалсафаси, ижтимоий давлат қуриш гоёси ва парламент дипломатияси халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ ва қатъий қўллаб-қувватланаётганининг аққол исботи.



2

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ЭЪТИРОФИ

Дунё давлатларининг халқаро майдондаги нуфузи нафақат иқтисодий ёки сиёсий салоҳияти, балки глобал муаммолар ечимига қаратилган амалий ташаббуслари билан ҳам баҳоланмоқда.

Шу маънода, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси асосида "Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз ташқи сиёсатининг яна бир муҳим ютуғи.

Мазкур қарор халқаро ҳамжамият парламентларни қонун ижодкорлиги билан чекланиб қолмайдиган, балки барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим сиёсий институт сифатида кўраётганини намоён қилди. Бу эса парламентлар зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида парламентнинг ваколатлари ва таъсир доираси кенгайди. Қонуларнинг ҳаёт билан уйғунлигини таъминлаш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан самарали парламент назоратини олиб бориш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда очиқ мулоқот механизмларини такомиллаштириш бора-бор сиёсатимиз билан давом эттирилмоқда.



2

Мутолаа

ПУБЛИЦИСТИК ТАФАККУР ҚУДРАТИ

Одам — кечага ноқулайликларни кийинчиликларни бир зумда унутиб, бугунги қулайликларга тез қўникадиган яратик. Бу ҳусусият инсон ҳаётига ҳам, жамият тафаккурига ҳам хос. Таниқли олим, машхур публицист, давлат ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг "МИЛЛАТ ШАВКАТИ" китоби — фикр аҳлини ана шу нуқсондан қутулиб, одамлар ва бутун жамият ҳаётида юз бераётган ижобий жиҳатларни пайқашга, уларнинг пайдо бўлишига сабабчи шахсиятлар меҳнатини қадрлашга чорлайдиган асар. Муаллиф жамиятда кечаётган ўзгаришларни баҳолаш, санаб ўтиш билангина чекланмайди. У зоҳирий воқеалар ортдаги маъноларни излайди, бир қарашда ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳодисалар ўртасидаги ички алоқани топади ва ўқирмани ҳам шу жараёнга жалб қилади.

Публицист билан воқеанавис ўртасида фарқ бор. Воқеанавис воқеани сўзлаб беради. Публицист эса нима учун шундай бўлгани, унинг ортда қандай қонуният тургани ва у жамият ҳаётида нимани ўзгаришга олиб келганини аниқлашга ҳаракат қилади.

Қудратилла Рафиқов мақолаларида ана шундай теран таҳлилий нигоҳ кўзга яққол

ташланиб туради. У мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида ёзар экан, воқеанинг ташқи манзараси билан қиёфаланмайди. У ҳар бир бунёдкорлик ортда тафаккурдаги ўзгариш, ҳар бир дипломатик қадам замирида тарихий хотира, ҳар бир ютук қатига миллатнинг ўзига қатъий ишончини кўради.



3

Фракциялар ҳаёти

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Замонавий молиявий воситалардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача амалга оширилаётган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўриб чиқилган масалалар ҳақида сўз юритилди.

Тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқлар, жарималар ва йиғимларни қисқартириш, экспортчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича белгилаб



берилган топшириқлар мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириши таъкидланди. Шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортбоп корхоналарни рағбатлантириш маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилиши ургуланди.



4

ЯНГИ ТОШКЕНТ ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ШАҲРИ БЎЛАДИ

Ташрифнинг навбатдаги манзили «Янги Ўзбекистон» университетининг янги кампуси бўлди.

Эллик гектар майдонда барпо этилаётган мажмуа 10 минг нафар талабага мўлжалланган. Унда факультетлар ва ректорат бинолари билан бирга кутубхона, музей, кўргазма ва мультимедиа заллари, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси ҳамда талабалар тураржойлари жойлашади.

Янги кампусда таълим, илмий тадқиқот, инновация ва талабалар ҳаётини ягона муҳитда уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қайд этилганидек, ушбу таълим ва маърифат масканлари Янги Тошкентда замонавий илм-фан ва таълим муҳитини шакллантириб, ёшларнинг билим ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Янги Тошкентда барпо этилаётган замонавий футбол стадионидagi қурилиш ишлари ҳам кўздан кечирилди.

55 минг томошабинга мўлжалланган ушбу арена қурилиши 2025 йил ноябрь ойида бошланган. Айни пайтда бунёдкорлик ишларининг 65 фоизи бажарилган.

Стадион 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг асосий аренаси сифатида хизмат қилади. Бу ерда мусобақанинг яримфинал ва финал

учрашувларини ўтказиш режалаштирилган. Олти қаватли спорт мажмуаси ФИФАнинг барча талабларига мувофиқ барпо этилмоқда. Унда спортчилар, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун замонавий шaroитлар яратилади.

Томошабинларнинг қулай ҳаракатланиши учун 10 дан ортиқ эскалаторлар ўрнатилади. Стадион ҳудудида учта машғулот майдони ва 5 минг 500 ўринли автотурагоҳ ташкил этилади. Арена яқинида метро бекати ҳам барпо қилинади.

Иншоотнинг меъморий қиёфасида замонавий услуб ва миллий анъаналар уйғунлаштирилган. Қурилишда «яшил энергия», «ақлли бошқарув» ва экологик барқарорлик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қайд этилганидек, мазкур арена йирик халқаро мусобақаларни қабул қилиш билан бирга, ёшлар спортини ривожлантириш, профессионал футболчилар тайёрлаш ва мамлакатда замонавий спорт инфратузилмасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини белгиланган муддатда ва юқори сифат билан якунлаш, стадионни транспорт тизими ҳамда Янги Тошкентнинг умумий шаҳарсозлик муҳити билан уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Энергетика тармоғида рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергетика вазирлиги таркибида Ёқилғи-энергетика тармоғини рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш маркази ташкил этилади. Марказ “ишлаб чиқариш — узатиш — тақсимлаш — етказиш” занжирини тўлиқ таҳлил қилиб, соҳани ривожлантиришнинг муқобил сценарийларини ишлаб чиқади. АСКУЭ ва АСКУГ маълумотлари сунъий интеллект асосида таҳлил қилиниб, шубҳали истеъмол, йўқотиш ва қарздорлик ҳолатларини автоматик аниқлайдиган платформа ишга таъширилади.

Шунингдек, тармоқдаги ҳар бир раҳбар ва ходим фаолияти аниқ натижа кўрсаткичлари асосида баҳоланади. Бунда авариявий ва режали узилишлар, йўқотишлар, дебитор қарздорлик, қувватлар резерви ҳамда таъмирлаш дастурларининг бажарилиши асосий мезон бўлади.

Йиғилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ҳозир табиий газ етказиб бериш қийин бўлган 1 минг 916 та маҳалла мавҳуд.

Ушбу ҳудудлардаги хонадонларнинг иситиш тизимини барқарорлаштириш, электр инфра-

тузилмасини мустаҳкамлаш ва қўшимча энергияга бўлган эҳтиёжни таъминлаш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар тайёрланади. Биринчи навбатда молиялаштириш талаб этиладиган маҳалалар бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилади. Бугунги кунда 3 миллион 700 минг хонадон суюлтирилган газдан фойдаланади. Тизим рақамлаштирилиб, тартибга келтирилган бўлса-да, газни ўз вақтида ва қафолатли етказиб бериш масаласи тўлиқ ҳал этилмагани қайд этилди.

Суюлтирилган газ таъминотида хусусий секторни кенг жалб қилиш вазифаси қўйилди. Бу борада дастлаб Андижон вилоятида янги тажриба жорий этилади.

Тадбиркорларга ўзи импорт қилган ёки биражадан харид қилган суюлтирилган газни аҳоли ва бизнес субъектларига етказиб бериш имконияти яратилади. Ижтимоий реестрда киририлган оилаларга эса суюлтирилган газ хариди учун субсидия берилади.

Йил якунигача бу борада Андижон тажрибаси яратилиб, кейинчалик бошқа ҳудудларга татбиқ этилади. Суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни йил якунигача режадаги 520 минг тонна ўрнига 606 минг тоннага етказиш белгиланди.

Шунингдек, хонадонларнинг реал эҳтиёжини қанчалик қамраб олиш, газ баллонлари ҳажмини табақалаштириш тақлиф қилинди. Суюлтирилган

газни ташиш, сақлаш ва тарқатиш тизими хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида қайта қўриб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари энергетика соҳаси учун замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Ҳозир 25 та техника олийгоҳида энергетика йўналишида йилгига 5,5 минг мутахассис тайёрланмоқда. Бироқ таълим амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчининг ишга киришиб кетишига 2-3 йил вақт кетмоқда.

Шу муносабат билан олий таълим муассасаларидаги ёқилғи-энергетика йўналишлари бўйича таълим дастурларини тўлиқ янгиллаш, лаборатория ва полигонларни замонавий талабларга мослаштириш топширилди.

Янги ўқув йилидан 3-курс талабаларининг ярми, 4-курс талабаларининг барчаси дуал таълимга қамраб олинади. Қўёш ва шамол генераторлари, электр зарядлаш ускуналари ҳамда бошқа янги технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлашга устувор аҳамият қаратилади.

Йиғилиш якунида белгиланган вазифаларни қисқа муддатларда ва сифатли амалга ошириш, тармоқда ижро интизоми ҳамда шахсий масъулиятни тубдан кучайтириш бўйича мутахассисларга аниқ топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ЭЪТИРОФИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида илгари сурилаётган таълим ва таълим муҳитини шакллантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ҳужжатда 2030 йилгача бўлган даврда глобал Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда миллий қўнунчиликни тизимли такомиллаштириш вазифаси қўйилган. Бу ўринда парламентлар қатор йўналишларда фаол бўлишлари талаб этилади. Биринчидан, ижтимоий ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаш, бунда жамиятнинг эҳтиёжманд қатламларини (ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, кам таъминланган оилалар) ижтимоий сурғуталаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини қўнун йўли билан қафолатлаш талаб қилинади.

Иккинчидан, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб иш ўринлари яратилишини ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминловчи қўнунчиликни шакллантириш кўзда тутилади.

Учинчидан, сифатли таълим ва ижтимоий интеграция учун қўнуний шaroит яратиш, жамиятнинг барча аъзолари учун таълим олиш имкониятларини тенглаштириш, чекка ҳудудлардаги ёшларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш вазифаси илгари сурилмоқда.

Резолюцияда алоҳида эътибор жамиятнинг икки йирик ва ҳаракатлан-тирувчи кучи — хотин-қизлар ва ёшларидан кенг фойдаланиш, бу орқали қўнун ижодкорлигида шаффофлик ва халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Қабул қилинган резолюциянинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистон пойтахти — Тошкент

ни кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳнат ва сифатли таълимни таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш каби йўналишларда парламентлар фаоллигини ошириш халқаро даражадаги устувор вазифа сифатида алоҳида қайд этилган.

Бу Олий Мажлис Сенати зиммасига ҳам катта масъулият юқлайди. Чунки парламент қабул қилаётган қўнунларнинг ҳаётда тўлиқ ишлаши ижтимоий ислохотларнинг натижадорлиги ҳамда давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашда ҳал этувчи ўрин тутайди.

Бугунги кунда Сенатнинг ҳудудлар билан ишлаш тажрибаси, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли муносабатларини ўрганиш ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни қўнунчилик йўли билан

ҳал қилишга қаратилган тизимли фаолияти ушбу резолюциянинг мазмун-моҳияти билан тўла уйғунлик касб этади.

Энг муҳими, ушбу тарихий ҳужжат халқаро ҳам-жамият Ўзбекистоннинг очик, ташаббускор ва масъулиятли давлат сифатидаги нуфузини юксак баҳолаётганининг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Бу эътироф барчамизни янги ташаббуслар, янада самарали қўнун ижодкорлиги ва халқ манфаатларига қамарбаста бўлувчи парламент фаолияти сари ундайди.

Парламентларнинг вазифаси фақат қўнун қабул қилиш билан чекланган эмас, балки давлат ўртасидаги ишонч кўприги, жамоатчилик фикрини ифода этувчи ва



Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таълим ва таълим муҳитини шакллантириш бўйича кўрсатмалар берди.

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Зеро, ушбу тарихий резолюциянинг қабул қилиниши ортда турган кенг қўламли дипломатик меҳнат, ҳужжатнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги аҳамияти ҳамда Ўзбекистоннинг глобал ташаббуслари геосиёсий майдонда қандай акс садо бераётганини ҳисобга олсак, бу мамлакатимизнинг улкан тарихий ютуғи ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти мисли кўрилмаган геосиёсий зиддиятлар, иқлим ўзгариши, иқтисодий инқирозлар ва ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши каби жиддий муаммолар билан тўқнаш келмоқда. Бундай шароитда БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш суръати суғуланиш хавфи остида қолди.

Ўзбекистон раҳбари халқаро минбарлардан туриб бир неча бор таъкидлаганидек, ижтимоий муаммоларни фақатгина ижроия ҳокимияти (ҳукуматлар) кучи билан ҳал этиб бўлмайди. Бу жараёнда халқнинг бевосита вакиллари бўлган парламент аъзолари, яъни қўнун чиқарувчилар бош ролини ўйнаши шарт. Негаки, парламентлар миллий қўнунчиликни тизимлаштиришда ва ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратди. Давлат бюджетини тақсимлашда ижтимоий соҳага (таълим, соғлиқни сақлаш, камбағалликни қисқартириш) устуворлик берилишини таъминлайди. Ҳукумат фаолияти устидан самарали парламент назоратини ўрнатади. Айнан шу тизимли қарашлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган резолюция лойиҳаси глобал даражада ижтимоий ривожланишни янги сифат босқичига кўтаришнинг энг самарали формуласи сифатида БМТ кун тартибига киритилди.

Ушбу ҳужжатни қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти томонидан тақлиф этилган бўлиб, бу қадам орқали мамлакатимиз глобал ижтимоий ривожланиш жараёнини тенглаштириш ҳамда халқаро ҳамкорликнинг “парламент мезони”ни янада мустаҳкамлашга ўзининг улкан амалий ҳиссасини қўшаётганини кўрсатди. Резолюция шунчаки декларатив характерга эга бўлган ҳужжат эмас, балки унда БМТга аъзо давлатларнинг парламентлари учун аниқ, тизимли ва амалий вазифалар

белгилаб берилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Ҳужжатда 2030 йилгача бўлган даврда глобал Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда миллий қўнунчиликни тизимли такомиллаштириш вазифаси қўйилган. Бу ўринда парламентлар қатор йўналишларда фаол бўлишлари талаб этилади. Биринчидан, ижтимоий ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаш, бунда жамиятнинг эҳтиёжманд қатламларини (ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, кам таъминланган оилалар) ижтимоий сурғуталаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини қўнун йўли билан қафолатлаш талаб қилинади.

Иккинчидан, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб иш ўринлари яратилишини ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминловчи қўнунчиликни шакллантириш кўзда тутилади.

Учинчидан, сифатли таълим ва ижтимоий интеграция учун қўнуний шaroит яратиш, жамиятнинг барча аъзолари учун таълим олиш имкониятларини тенглаштириш, чекка ҳудудлардаги ёшларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш вазифаси илгари сурилмоқда.

Резолюцияда алоҳида эътибор жамиятнинг икки йирик ва ҳаракатлан-тирувчи кучи — хотин-қизлар ва ёшларидан кенг фойдаланиш, бу орқали қўнун ижодкорлигида шаффофлик ва халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Қабул қилинган резолюциянинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистон пойтахти — Тошкент



шаҳрида ўтказилган муҳим халқаро тадбир ва унинг натижалари БМТ даражасида юқори баҳоланган ва эътироф этилган. Ёдингизда бўлса Ўзбекистон глобал парламент дипломатиясининг фаол марказларидан бирига айланганининг исботи сифатида Тошкент шаҳрида дунё парламентли аъзоларини бирлаштирган нуфузли тадбир — Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеяси юқори савияда ташкил этилди. Ассамблея доирасида жаҳон парламентлари вакиллари томонидан ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш йўлида муҳим ҳужжат — Тошкент декларацияси қабул қилинди.

БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида ушбу Тошкент декларациясининг мазмунини ва унда илгари сурилган қўллаб-қувватлаш талабларини қайд этилган. Бу Ўзбекистоннинг нафақат миллий, балки халқаро парламент ҳаракатини бошқариш ва унга янги сиёсий мазмун бағишлаш бораидаги етакчилик роли жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинганидан далолат беради.

БМТ резолюциясида фақат қўнун қабул қилиш эмас, балки уларнинг ижроси устидан қатъий назорат тизимини ўрнатишга қарайлади. Чунки бузил мазкур имзоланган ҳужжат қорғозда қолиб кетавериши, амалга кўчмайди. Шу боис ташкилотга аъзо давлатларга 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартибининг асосини қўллаб-қувватлаш орқали уларда давлат бошқаруви кўникмаларини шакллантириш тавсия этилади.

Бугунги рақамли технологиялар асарида парламентлар ҳам замон билан ҳамнафас қадам ташлаши лозим. Ҳужжатда ижтимоий ривожланиш учун рақамли трансформация имкониятларидан, яъни “электрон парламент” тизимларидан кенг фойдаланиш, бу орқали қўнун ижодкорлигида шаффофлик ва халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Қабул қилинган резолюциянинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистон пойтахти — Тошкент

Яна бир жиҳат шуки, резолюцияда ижтимоий ривожланиш йўналишидаги реал тараққиётни ҳолис баҳолаш учун мамлакатларда миллий статистика тизимларини такомиллаштириш тавсия этилади. Бу ислохотлар натижаларини “рақамларда кўрсатиш” учун эмас, балки аҳоли ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришларни илмий-статистик таҳлил қилиш ва келгуси ижтимоий дастурларни аниқ мақсадли (таргетли) режалаштириш учун муҳим.

БМТ Бош Ассамблеясида ҳар қандай резолюциянинг бир овоздан қабул қилиниши бу жуда мураккаб, кўп босқичли ва тинимсиз сиёсий-дипломатик меҳнатнинг маҳсулидир. Ўзбекистон резолюциясининг маъқулланиши ҳам мамлакатимиз ташқи сиёсий идоралари ва дипломатларнинг юксак маҳорати эвазига амалга ошди. Ҳужжат матни тайёрланганидан бошлаб, то овоз бериш кунига қадар Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги Доимий ваколатхонаси томонидан жуда кенг қўламли сиёсий-дипломатик ишлар олиб борилди. Лойиҳа бўйича БМТга аъзо давлатлар вакиллари иштирокида ўнлаб расмий ва норасмий маслаҳатлашувлар ташкил этилди. Ҳар бир давлатнинг (айниқса, турли сиёсий блокларга кирувчи ва маънафатлари ҳар хил бўлган мамлакатларнинг) фикрлари ва тақлифлари алоҳида эшитилди.

Дипломатларимизнинг асосий ютуғи шунда бўлдики, улар БМТ ҳужжатларининг универсаллиги таъминлигида тўлиқ жаавб берадиган, сиёсий ихтилофлардан холи ва барча аъзо давлатларнинг — ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг маънафатларини бирдек ҳисобга оладиган мувозанатли матнни келишиб олишга муваффақ бўлди. Айнан мана шундай юксак дипломатик савия тўғрисида ҳужжат ҳеч қандай эътирозларсиз,

Ўз навбатида, 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида бутун дунё парламентларини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи ҳуқуқий ва сиёсий дастуриламал бўлиб қолади. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги бу каби улкан ютуқлари Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тўёнасига муносиб тўхфа бўлди ва бу ҳужжат халқимизнинг келажаққа ишончини янада мустаҳкамлади, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламыз.

бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган резолюцияга дунёнинг барча минтақаларини ифодаловчи 61 та давлат ҳаммуаллифи бўлгани халқаро сийсатда жуда нодир ва юксак кўрсаткичдир. Ҳаммуаллиф давлатлар рўйхатида назар ташласак, унда Европа Иттифоқи мамлакатлари, Осиё ва Тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ ва Африка қитъаси ҳамда Латин Америкаси давлатлари жой олганини кўрамыз. Бу география шуни кўрсатадики, Ўзбекистон илгари сурган гоя муйайн бир сиёсий куч ёки минтақанинг маънафати эмас, балки бутун инсониятнинг умумий ривожланиши ва тинчлигига йўл очадиган глобал аҳамиятга эгадир.

Жаҳоннинг таниқли сийсатшунослари, БМТ экспертлари ва парламент раҳбарлари ушбу резолюциянинг қабул қилиниши муносабати билан ўз фикрларини билдириб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган ташқи сийсатини, мамлакатнинг халқаро майдонда “кучли ва масъулиятли ташаббускор” сифатидаги ролини алоҳида эътироф этди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюциянинг маъқулланиши Янги Ўзбекистон ташқи сийсати ва парламент дипломатиясининг тарихий ғалабаларидан биридир. Ушбу тарихий ҳужжат халқаро майдонда Ўзбекистоннинг глобал ташаббуслар маркази, тинчлик, барқарорлик ва ижтимоий адолатни илгари сурувчи фаол куч эканлигини яна бир бор исботлади. Қолаверса, миллий миқёсда мамлакатимизда амалга оширилаётган “Инсон қадрини ўқун” тамойилига асосланган ислохотларнинг халқаро андозаси бўлиб хизмат қилади.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, профессор.

Тақдимот

Ўзаро афтиқлик ва ҳурмат ифодаси

“Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китоби Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва демократик ислохотларнинг янги даврига бағишланган.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги саккиз йилда амалга оширилган ислохотларнинг маънафати иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишига таъсири таҳлил қилинган. Гарчи мазкур китоб нашр этилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, БМТ Бош қоргоғи ва АҚШ Конгрессида, Женева ва Покистонда унинг тақдимотлари ўтказилди.

Кўни кеча Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳридаги Аликул Усмонов номдаги Миллий кутубхонада ҳам сенатор Қудратилла Рафиқов қаламига мансуб “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китобининг қирғиз тилидаги нашри тақдими бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳусан Эрматов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳамда икки мамлакатнинг илмий ва ижодий зиниллари, маданият соҳаси вакиллари иштирок этди.

Тақдимот давомида сўзга чиққанлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг жамият тараққиётдаги ўрни ҳақида сўз юритиб, китобнинг ушбу жараёнларни илмий-таҳлилий жиҳатдан ёритишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлашди.

Қайд этилганидек, асарнинг қирғиз тилида нашр этилиши икки қардош халқ ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон делегацияси туркий дунёнинг буюк адиби Чингиз Айтматов уй-музеи ҳамда Бишкек шаҳридаги Хотира майдонида ҳам бўлиб, ушбу масканлар фаолияти билан яқиндан танишди.

Сенатор ва ёшлар

Абитуриентлар учун муносиб шарт-шaroитлар

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилов Маматқаримов Наманган вилоятида бўлиб, жойларда давлат дастурлари ижроси, бандликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш масалаларини ўрганган эди.

Ушбу жараёнда сенатор олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш учун ўтказилган кириш тест синовларининг бориши билан ҳам танишди.

Тест синовларининг ташкилий жиҳатлари, абитуриентлар учун яратилган шарт-шaroитлар, шунингдек, уларнинг ота-оналари ва яқинлари учун ташкил этилган кутиш ҳудудларидаги қўлайликларни кўздан кечирди ҳамда ота-оналар билан мулоқот қилиб, уларнинг фикр ва тақлифларини тинглади.

Сўхбат давомида юртимизда олий таълим муассасаларига қабул жараёнларини очик, шаффоф ва адолатли ташкил этиш, шунингдек, абитуриентлар ҳамда уларнинг яқинлари учун муносиб шарт-шaroитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

Польшанинг Лодзь шаҳрида Наманган вилоятининг эркаклар классик кийимлари ишлаб чиқарувчи «IMIR» брендида қарашли Европадаги биринчи савдо дўкони очилди.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида қорвачиликни раванқ топтириш, имтиёзли кредитлар ажратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, махсулотларни сақлаш инфратузилмасини кенгайтириш ҳамда ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифалар ҳам аграр соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши алоҳида қайд этилди.

Фракция ййгилишида “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Бу билан аҳоли ва инвесторлар учун янги молиявий воситалар, хусусан, сукук — ислом облигациялари, барқарор ривожланиш облигациялари, қопланган ва секьюритизацияланган облигациялар муомалага киритилиши қайд этилди. Шунингдек, инвесторлар ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш тизими қучайтирилади, бозор инфратузилмаси фаолияти тартибга солиниб, капитал бозорининг инвестициявий жозибдорлиги оширилади.

Фракция аъзоси Отабек Мусурмоновнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасида белгиланган нормалар мамлакатимизда капитал бозорини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришга, замонавий молиявий воситалардан фойдаланиш имкониятларини яратишга йўл очади.

Ййгилишида қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланиб, кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш кафолати

“Миллий тиклишни” демократик партияси фракцияси ййгилишида “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари Конституциявий суд томонидан ҳимоя қилинишининг такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

Янги таҳрирдаги Конституция билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда ўзларига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Шунингдек, судлар ташаббуси билан Олий суд орқали Конституциявий судга мурожаат этишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Қонун лойиҳаси мазкур конституциявий янгиликларни амалда тўлиқ рўёбга чиқариш, Конституциявий суд қарорларининг суд амалиётида самарали ижросини таъминлаш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг аниқ процессуал механизмларини жорий этишга қаратилган.

Лойиҳада судлар ташаббуси билан Олий суд томонидан муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги масаласи юзасидан Конституциявий судга мурожаат киритилганда тегишли иш юритувини тўхтатиш белгиланмоқда.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, унинг қабул қилиниши суд амалиётида ҳуқуқий аниқликни таъминлайди, бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш имкониятларини кенгайтиради, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этади.

— Қонун лойиҳаси ййгилишида атрофли-

ча ва ҳар томонлама муҳокама қилинди, — дейди фракция аъзоси Шерзод Тўхташев. — Мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатларини янада қучайтиришга қаратилганини инобатга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ноконуний меҳнат фаолиятига қарши ҳуқуқий механизмлар қучайтирилмоқда

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ййгилишида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартаришлар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

У чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни янада тартибга солиш, ноконуний меҳнат фаолиятининг олдини олиш ҳамда миграция соҳасида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Лойиҳада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор муҳим ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, чет эл фуқаролари ёки доимий равишда бошқа давлатлар ҳудудида яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби бузилган тақдирда маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Агар мазкур ҳуқуқбузарлик такроран содир этилса ёки белгиланган жарима тўланмаса, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш ҳамда муайян муддатга мамлакатимизга кириш ҳуқуқини чеклаш чоралари қўлланилиши назарда тутилган. Шунингдек, мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқади- ган судлар ва ваколатли давлат органларининг ваколатлари ҳам аниқлаштирилмоқда.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилган муҳокама жараёнида фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов лойиҳада назарда тутилаётган айрим нормалар ҳуқуқни қўллаш амалиётида қанчалик самарали ишлашига оид саволни ўртага ташлади. Жумладан, депутат чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг мамлакатимиз ҳудудида тасдиқнома олмасдан ёки амал қилиш муддати тугаган тасдиқнома асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилишига қарши эканлигини билдирди. Халқ вакили бу каби ҳуқуқбузарлик учун таъсир чораси фақатгина иш берувчига нисбатан қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини баён этди.

— Белгиланган нормалар фракция аъзолари билан атрофлича муҳокамадан ўтказилди, — дейди фракция аъзоси Тоҳир Полванов. — Ушбу қонуннинг қабул қилиниши чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишда қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, ноконуний меҳнат фаолиятининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқнинг муқаррарлигига эришиш ҳамда

миграция соҳасида қонун устуворлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса қонуний меҳнат бозорини ривожлантириш ва давлатнинг миграция сиёсати самарадорлигини ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Муҳокама якунида фракция аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда мазкур қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Муҳим таклифлар илгари сурилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида кўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида мазкур қонун лойиҳаси партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган аҳоли маблағлари жалб этиладиган уй-жой қурилишида ҳуқуқий кафолатларни қучайтириш вазифаларига ҳамроҳанг экани алоҳида таъкидланди. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси концепциясини қўллаб-қувватлар экан, унинг айрим нормаларини янада тақомиллаштириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Хусусан, депутат Анвархон Темиров қурилиш молиялаштириш тизимига оид нормаларга тўхталиб, эскроу ҳисобоварқлари механизмни жорий қилиш қурилиш объектлари таннархига таъсир этмайдими, давлат субсидиялари ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари мазкур тизимда қандай амал қилиши масалаларига аниқлик киритишни сўради.

Шунингдек, қонун лойиҳасида назарда тутилган муаммолар қурилиш объектлари реестри юзасидан ҳам таклифлар билдирди. Хусусан, реестрга киритилган, аммо



ундан чиқарилмаган объектларнинг кейинги ҳуқуқий мақомини қонун даражасида аниқ белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Масъуллар қурилиш молиялаштиришнинг асосий манбалари сақланиб қолиши, эскроу тизими эса фуқаролар маблағларининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди. Унга кўра, қурилиш учун йўналтирилаётган маблағлар банк назорати остида бўлади, ипотека кредитлари ва давлат субсидиялари ҳам шу тизим орқали жалб қилинади. Бу эса маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва улушдорлар ҳуқуқларининг кафолатли ҳимоясини таъминлайди.

Қонун ташаббускорлари томонидан келтирилган таҳлилларга кўра, қурувчилар ва улушдорлар ўртасида тузилган 129 та шартнома ўрганилган. Натижада шартномаларнинг 84 фоизда қурилиш объектининг кафолат муддати белгиланмагани, 80 фоизда қайта ҳисоб-китобларда қурувчилар манфаати устун қўйилгани, атиги 20 фоизда томонлар ҳуқуқлари мувозанатли акс этгани аниқланган. Шунингдек, 51 фоизда объект ўз вақтида топширилмаган тақдирда қурувчининг жавобгарлиги назарда тутилмагани ҳамда айрим шартномалар давлат рўйхатидан ўтказилмагани маълум бўлган.

Шундан келиб чиқиб, депутат Зокиржон Зоҳидов улушли қурилиш шартномаларининг мазмунига эътибор қаратиб, фуқаролар

ҳуқуқларини тўлиқ таъминлайдиган, тушунарли ва ҳуқуқий жиҳатдан мувозанатли намунавий шартномалар тузиш таклифини илгари сурди.

Адлия вазирлиги вакиллари қонун лойиҳасида шартномаларнинг мажбурий шартлари ҳамда уларга киритилиши мумкин бўлмаган ҳодалар аниқ белгиланганини, бу эса бир томон манфаатини асоссиз устун қўювчи шартларнинг олдини олиш ва улушдорлар ҳуқуқларини қучайтиришга хизмат қилишини билдирди.

Муҳокама якунида фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Улушли қурилишни молиялаштириш механизмлари аниқ белгиланмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййгилишида “Кўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва яшаш шaroитларини янада яхшилаш, қулай инфратузилма яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Айниқса, урбанизация жараёнларини самарали бошқариш, уй-жой соҳасини изчил ривожлантириш ва аҳоли учун қулай бўлган шаҳарсозлик фаолияти бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аҳолини муносиб ва арзон уй-жой билан таъминлаш мақсадида қурилиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари учун қатор зарур шарт-шaroитлар яратилди. Бунинг натижасида сўнгги тўққиз йилда мамлакатимизда қарий 10 мингта янги қурилиш корхоналари иш бошлади. Ўтган йиллар мобайнида 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.

Қурилиш ишлари ҳажми тез суръатларда ўсиши улуш киритиш асосида кўп квартиралли уйларни қуриш соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва мазкур муносабатларни қонун ҳужжати билан тартибга солиш, соҳада ваколатли давлат органлари, қурилиш ташкилотлари вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини аниқ белгиланиши тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳасида кўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектлари қурилишига жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиш тартиби, қурувчи қурилиш объектини электрон платформада рўйхатдан ўтказганидан сўнг қурилиш объектини қуриш учун улушдорларнинг маблағларини жалб этиши, электрон платформада қурилиш объекти тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатларни барча учун очик ҳолда жойлаштириш, улуш киритиш асосида қурилаётган объектлардан хонадон харид қилиш, шартномаларни расмийлаштириш онлайн равишда ушбу электрон платформа орқали амалга оширилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада кўп квартиралли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш йўналишида давлат ва жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби назарда тутилмоқда.

— Мазкур қонун лойиҳаси қурилишга улуш киритишнинг амалдаги механизмни тубдан такомиллаштиришга, улушдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлашга, улуш киритиш асосидаги қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни қучайтиришга, улушли қурилишни молиялаштириш механизмларини аниқ белгилашга ҳамда соҳада жамоатчилик назоратини мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Гулчехра Тожибова.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистондаги илк «яшил» йўл:

АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Мамлакатимизда яна бир стратегик лойиҳа — Тошкент — Самарқанд йўналишида пуллик муқобил автомобиль йўли қурилиши бошланди. Тарихий воқелик муносабати билан ўтказилган маросимда иштирок этган давлатимиз раҳбари лойиҳа Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва транспорт-логистика салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлишини, соҳада том маънода янги давр бошланаётганини бежиз таъкидлагани йўқ.

Акс садо

Ўрта Чирчиқ туманидан бошланувчи олти полосали йўлнинг узунлиги 282 километрни ташкил этади ва лойиҳа қўймати қарий 2,2 млрд. долларга баҳоланган. Йўлнинг Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги аҳолиси икки миллиондан зиёд бўлган 13 та туман орқали ўтиши, шубҳасиз, ҳудудлар учун янги имкониятларни очади. Жумладан, стратегик лойиҳа доирасида юзга яқин кўприклар, ўнлаб йўлўтказгич ва туннеллар, қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун ер ости йўлаклари ва сув ўтказиш иншоотлари барпо этилади. Йўл бўйида логистика марказлари, омборлар, саноат ва агросаноат корхоналари, савдо-сервис, меҳмонхона ва туризм объектлари қурилиши эса янги иш ўринлари, хизматлар бозори, маҳаллий аҳоли ва бюджетлар учун қўшимча даромад манбаи дегади.

Халқимиз учун энг муҳим афзаллиги Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақти ҳозирги 5 соатдан 2,5 соатга қисқариши. Текис ҳудудларда ҳаракат тезлиги соати-га 150 километрни ташкил этадиган янги автомагистраль суткасига 60 мингдан 80 мингтагача транспорт воситасини ўтказиш имконига эга бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат: замонавий хавфсизлик ечимлари, рақамли ва инновацион қулайликлар йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин камайишига хизмат қилади. Тирбандликларсиз ва бир маромда ҳаракатланиш энергия сарфи, амортизация ва техник харажатларни ҳам қисқартиради. Лойиҳанинг иқтисодий томонлари ҳақида гап кетганда, аввало, юк ташиш таннархи 19 — 24 фоизга пасайишини таъкидлаш лозим. Шунингдек, тез бузиладиган мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа махсулотлар бозорларга қисқа вақтда, сифатли ва арзон етказилади. Янги йўл ўтадиган ҳудудларда ялли махсулот 3 фоиз ўсади. Йўл қурилишида маҳаллий хизматлар ва қурилиш материалларидан кенг фойдаланилиши эса йирик буюртмалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва қўшимча иш ўринларини яратади. Умуман олганда, Жаҳон банки таҳлилларига кўра, бундай инфратузилма лойиҳаларига киритилган ҳар бир доллар иқтисодиётга 5 баробаргача самара келтиради.

Автомагистраль Европа, Туркия, Хитой ва бошқа давлатларнинг илгор тажрибалари асосида лойиҳалаштирилган бўлиб, биринчи босқичда йўл итйотлик ҳамкорлар билан EPC модели асосида барпо этилади. Яъни ижрочи лойиҳалаш ва техник ҳужжатларни олишдан бошлаб, қурилиш ишларини тугатишгача бўлган барча ишларни ўз зиммасига олади. Кейинчалик уни бошқариш, сақлаш ва эксплуатация қилишининг замонавий механизмлари жорий этилади. Лойиҳа халқаро сифат, хавфсизлик ва экологик стандартлар асосида амалга оширилади.

Албатта, ушбу стратегик лойиҳани ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш осон бўлгани йўқ. Ававал бу борадаги хорижий тажриба пухта ўрганилди. Чет эл мутахассислари ёрдами билан бир неча лойиҳалар тайёрланди, қурилиши ва молиявий манбаси бўйича хорижлик инвесторлар билан музокаралар ўтказилди. Лойиҳаларни ишлаб чиқишда, аввало, аҳоли фикри инобатга олинди. Атроф-муҳитга таъсири, пйебдалар учун тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Шу билан бирга, соҳани тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ўтган йили “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси қабул қилиниб, пуллик йўллар тармоғини барпо этишининг ҳуқуқий асоси яратилди. Давлат-хусусий шериклик асосида йўл инфратузилмасига сармоя жалб қилиш мақсадида хорижлик инвесторларга имтиёзлар берилди. Бунда пуллик автомобиль йўллари қуришга фақат муқобил бепул ҳаракатланиш йўли мавжуд бўлгандагина рухсат бериш, шу билан бирга, тўлов микдори фойдаланувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қаноатлантириши талаби қўйилди.

Мухтасар айтганда, 2030 йилда фойдаланишга топширилаётган Ўзбекистон тарихидаги илк “яшил” ва инновацион йўл, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз келажаги, иқтисодий барқарорлиги ва халқимиз фаровонлиги учун яна бир мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Гўзал САМИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ

«ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ» ҲАРБИЙ-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

қўйидаги ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- таълим сифатини таъминлаш бош мутахассиси;
- психология ва тарбия кафедраси мудири;
- инглиз тили ўқитувчиси;
- лаборант;
- ҳўжалик мудири.

Танловда номзодларга қўйидаги талаблар қўйилди:

1. Педагогларга: тегишли ихтисослик бўйича илмий даража (PhD, DSc)

ва илмий унвонга (профессор), шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даража ва унвонларга эгаллиги, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сонли қарори талабларига мувофиқ, камида **5 йил узлуқсиз педагогик иш стажига** эга бўлиши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, номзод Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сонли “Усмиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ва давлат хизмати учун кадрлар заҳирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини билиши шарт.

2. Мутахассисларга: ўз мутахассисликлари бўйича етарли билим ва кўникмага эга бўлишлари, компьютерда ишлашни ва турли хил дастурларни ўрната билиши шарт.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Директор номига ариза;

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 3-“А” уй.

Мурожаат учун телефон: 71-217-81-01.

Тошкентда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Tashkent International Half Marathon» доирасида 5 километр масофага югуриш бўйича махсус акция бошланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 626 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибчилик 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва мазмунига қайтарилмайди.
Газетанинг мазмунини берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилиши “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.00 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6